



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 203 (8943). • 1986 йил 28 октябрь • сешанба • Баҳоси 3 тийин

• XII БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА •



СУРАТЛАРДА: район ҳаётидан лавҳалар.
А. Зуфаров фотолари.



ТОШКЕНТ
КИРОВ
РАЙОНИДА



Киров райони меҳнатнашлари ўн иккинчи беш йилликда жуда катта режаларни амалга ошириш орауси билан ишлагандилар. Район территориясида жойлашган ўттизга яқин йирик саноат корхоналари, қатор илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юрталари ва маданият муассасаларида ишни қайта қуриш жараёни давом этмокда.

Ишлаб чиқариш бirlашмалари, корхоналар, қурилиш ташкилотларида иш фан-техника ютуқлари асосда таъини этилмокда. Меҳнат унвудорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида янги технология, линиялар ишга тушириш лавини равишда олиб боришда. «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бirlашмасининг қатор бўлинмалари шу йилнинг ўзигада робот-манипуляторлар, енгил автоматлашган системалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» номи йиқувчилари ишлаб чиқариш бirlашмасида ҳам қатор автомат линиялар фойдаланишга тошпириди.

Райондаги «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси, Тошкент асбоб-созлик заводда тайёрланаётган маҳсу-

лотларнинг анчагина қисми Болгария, Венгрия, Чехословакия, Швейцария мамлакатларига экспорт қилинмокда.

Кейинги йилларда район саноатчилари аҳолининг халқ истеъмол товарларига бўлган аҳтиёжини қондиришга ҳам кўпроқ аҳамият бера бошладилар. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида пландан ташқари 1 миллион 190 минг сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 18 янги тури ўзлаштирилди.

Сифат масаласи ҳар бир корхона коллективнинг диққат марказида бўлиб қолди. Бу эса ўтган йилдагидан икки баравар кўп: 29 хил буюмни юқори категорияда тайёрлаш имконини берди. Район меҳнат аҳлининг турмуш маданияти ҳам йил сайин юксалиб бормокда, аҳолининг турмушида катта ўзгаришлар бўй бермокда. Райондаги 36 мактаб ва 50 дан ортиқ мактабгача муассасаларда меҳнаткашларнинг юз мингдан зиёд ўғил-қизи тарбияланмокда.

Сўнгги йиллар ичида районнинг шимолида қад қўтарган Юнусобод массиви ҳозирги пайтда йиқирма миллат вакилларидан иборат 110 минг аҳоли учун шаҳарча бўлиб қолди.

заводларида қўлланила бошланди.

Бirlашмада йил бошидан буён «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмасида 500 минг сўмлик, «Висострой» трестда 218 минг сўмлик янги технологияни жорий қилиш ишлари бажарилди.

Район халқ ҳўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётган бirlашма коллективининг келгуси режалари катта. Унга қараши «Главмашхоловодство» корхоналарида олиб бориладиган реконструкциялар иш жараёнини механизациялаш даражасини 70 процент оширадиган ва 30 минг тонна маддални тежаш имконини беради. Айни пайтда 2700 нафар ишчи қўл меҳнатидан овоз бўлади. Шу кунгача бу ташкилот корхоналарида ушкулларнинг 60 проценти янги, гуланда, шу жумладан 25 та пулт билан бошқариладиган станоклар ишга туширилди. Бу эса ишчи икки смена, да ташкил этишга кенг йўл очди.

I-ЗАВОД—МУСОБАҚАҒОЛИБИ

БУ йил йишт заводлари бошқармаси корхоналари ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот тайёрлаш ишлари билан меҳнат қилмокдалар. Улар тўғрисида ойи мобайнида пландан 43 миллион 600 минг ўринга 44,5 миллионга яқин йишт ишлаб чиқарилди.

Коллективлараро ўзаро социалистик мусобақада Абдусамат Эшмухамедов бош-

лиқ I-завод ишчилари олдинда бормокда. Бу ердиги ҳар бир цех «давлатга — фақат аёло маҳсулот» шiori остида ишлашга ўтган. Шу кунгача қурилишларга йўнатилган 12 миллиондан ортиқ сифатли йишт уларнинг ўз сўзлари устидан чиқаятганликларини кўрсатиб турипти.

Бошқарма заводларида ишлаб чиқарилаётган кенг халқ истеъмол товарларига йил сайин аҳтиёж кучаймокда. Шу йилнинг ўзига 1 миллион 565 минг сўмлик арча ўйинчоқлари, полиэтилен қоплар, ёшларнинг бекалик суммалари реализация қилиниб, бу соҳадаги план ошириб бажарилди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

ЎН иккинчи беш йилликда жуда катта программани амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бirlашмасининг дастлабки меҳнат самаралари қувончли бўлмокда. Унинг корхоналаридан бирида тайёрланаётган робот-манипуляторлар ва енгил автоматлашган линиялар республикамиз

«ЎРТОҚ» УЯЛТИРИБ ҚЎЙМОҚДА



ҲОЗИРГИ пайтда район саноат корхоналарида ўтган

Факт ва рақамлар

◆ Район саноати корхоналарида ҳозирги пайтда асосий маҳсулотлар билан бирга 80 хилдан ортиқ халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилмокда.

◆ «Ўзбексельмаш» заводи, «Центразнергоремонт» корхонаси, асбобсозлик заводда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича иттифослаштирилган ҳезлар ташкил этилди.

◆ «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тўқувчилик ишлаб чиқариш бirlашмасида техника қайта жиқозланган ГДРнинг «Текстила» фирмаси билан ҳамкорликда олиб боришда.

◆ Тошкент асбобсозлик заводда мактаб ўқувчилари учун маҳсул цех ташкил этилди. Бунинг натижасида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури яна 13 тага кўпайди.

АНЪАНАГА АЙЛАНМОҚДА

Меҳнатнашларнинг бўш вақтларини қўнғили ташкил этиш район маданият бўлими диққат марказида турган масалалардан биридир. Бу тадбирлар аниқ план асосида олиб бориладиган. Ана шу режаларга мувофиқ Карл Маркс, Мукаррама Турғунбоева кўчаларида байрамлар ўтказилди.

С. Саидоқонов, Г. Кулешинова, В. Гончаров, З. Сотникова, О. Чинновалар директорлик қилаётган Маданият уйларининг ташаббуси билан уюштирилган оммавий сайлларда Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССР давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли ҳамда райондаги бадий ҳаваскорлик коллективлари иштирок этидилар.



ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР:

• УРТА ЧИРЧИҚ

РАЙОН пахтакорлари бу йил дала-ларда йўл ҳосил етиштирдилар. Йиғим-терим ишларини ушшоқлик билан амалга оширган деҳқонлар 25 октябрь кўни йиллик планини бажариб, галаба рапортига имзо чекшди. Давлат қабул пунктларига жами 41 минг 212 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Ана шу улкан хирмоннинг 34 минг 124 тоннаси машиналар ёрдамида бўлиб этилди. Бу эса жами ҳосилнинг 83 процентиға тенгдир. Ҳар бир агрегатда ўртача 114 тоннадан пахта терилди. Пахтакорлар асосий ҳосилнинг 55 процетини биринчи сортта сотдилар. Бунга Сердлов номи, Ленин номи, «Комму-

низм», «Партия XXII съезди», «Ленин йўли» ҳамда Терешкова номи колхоз аъзоларининг қўшган ҳиссалари салмоқли бўлди. Меҳнатқайдоқчилар ўртасида ўтказилган ўзаро социалистик мусобақада эса Ким Пен Хаа номи колхоздан Мамамад Меҳриев, Ахмад Меҳриев, А. Ниромов номи колхоздан Мурод Норкулов ҳамда Мирза Иброҳимовлар пешқадамликни қўлдан беришмади.

Район ҳўжалиқларида йиғим-терим суръати сўсайтирилмапти. Деҳқонлар давлатга яна 2 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилишган.

• ПИСКЕНТ

МАВСУМ бошидан буён йиғим-терим суръатини пасайтирмадик ас-тойдил ҳаракат қилаётган бу район пахтакорлари ҳам областда биринчилар қатори йиллик планини бажардилар. Мав-сумда 14 минг 660 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 29 центнердан ҳосил олинди, жами 42 минг 500 тонналик хирмон уйилди. Асосий ҳосилнинг 70 процетини дала-ларда самарали ишлатилган 384 та терим агрегати бункирдан тўқилди. Ҳар бир иш-шинанинг ўртача иш унвудорлиги 100 тоннадан ҳам ошди. Шу кунгача йиллик плани-ларини 113 процетга бажарган Охунбобо-ев номи, 105 процетга бажарган «Ўзбе-кистон ССР 50 йиллиги» ҳамда 103 про-

цетга бажарган «Гулистон», Тельман но-ми ва Калинин номи колхозларининг деҳ-қонлари район хирмонига барвақил ҳис-са қўшдилар. Тельман номи колхоздан Жа-вод Гофуров, «Гулистон» колхоздан Ис-мат Сариев, Охунбобоев номи колхоз-дан Тўхтабой Турғунов ўртоқлар бошлиқ бригада коллективлари энг юқори кўрсат-кичларга эришдилар. Мазкур бригадаларда ҳар гектар майдондан олинган ҳосил сал-моғи 36-40 центнерданга тўғри келди.

Дала-ларда пахта йиғим-теримини қизғин давом эттирилмапти. Район пахтакорлари-нинг энг илмий йиғим планга қўшмачи яна 4 минг тонналик хирмон уйишдан иборат-дир.

(Ўрта Чирчиқ ва Пискент районлари пахтакорларининг меҳнат галабаси ҳа-қидаги материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

ЧИНОЗ

УКТАМ ХўЖАҚУЛОВ, Норқобил Норкулов ҳамда Василий Бибаров сингари ил-гор меҳнатқайдоқчилар «Октябрь 40 йиллиги» колхоз-ида меҳнат қилишди. Улар мавсумда ўз агрегатлари бунки-ридан 170—209 тоннадан пахта тўқидилар. Ана шундай кишиларнинг самарали меҳ-натлари тўғрисида ҳўжаликда эгизмага олинган социалистик меҳбуринг ҳам шараф билан бажарилди. Шу кунгача қа-бул пунктларига 2827 тонна пахта етказиб берилди. Бу йиллик планда белгиланган-дан 559 тонна кўп демекдир. Ҳар гектар майдоннинг ўрта-ча ҳосилдорлиги 39 центнер-данга тўғри келди. Асосий ҳосилнинг 71 процетини маши-налар ёрдамида йиғиштириб олинди. Ҳар бир терим агре-гатиде мавсумда ўртача 156 тоннадан пахта терилди.

ДИЛАР

Механик-ҳай-довчилардан Очил Азиз-кулов, Йўлдош Носиров, Қайсар Қувондиқов ва Навруз Носировлар йи-ғим-теримда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Колхоз деҳқонлари планга қўшмачи давлат-га яна 700 тонна пахта етказиб бериш учун ас-тойдил ҳаракат қилмоқ-далар.

ЛИК ДЕҲҚОНЛАРИ 34—36

центнерлик марра учун курашни давом эттирмокдалар.

ОҚЎРҒОН

ШУ КУНГАЧА дав-латга 4306 тонна сифат-ли хом ашё етказиб берган Вотицев номи колхоз пахтакорлари йиллик планини бажар-дилар. Ҳар гектар май-доннинг ўртача ҳосил-дорлиги 30,5 центнер-данга тўғри келди. Ҳо-силнинг салкам 90 про-центи машиналар ёрда-мида йиғиштириб оли-ниб, 80 процетини эса биринчи сортта сотил-ди. Йўлчи Кенжаев, Аб-дували Расулматов, Ту-мабой Турдикулов ўр-тоқлар бошлиқ бригада коллективлари бу ютуқ-қа муносиб ҳисса қўш-

БЕКОБОД

ДЗЕРЖИНСКИЙ номи колхоз аъзолари ҳам йиллик планини бажардилар. Мавсумда 1830 гектар пахта майдони-нинг ҳар гектаридан 27,5 цент-нердан ҳосил олинди. Жами 4811 тонна оқ олтиннинг 70 процетини биринчи сортта со-тилди. Шу кунгача йиллик планиларини 110—115 процет-га бажарган Жамила Ҳазрат-кулова, Карим Ҳайдаров, Жа-ббор Ражабов ва Абдували Узокоров ўртоқлар бошлиқ бри-гада аъзолари ҳўжалик хирмо-нига катта ҳисса қўшдилар.

БҲКА

МАВСУМДА мавсумда машина ва механизмлардан са-марали фойдаланишга ас-тойдил ҳаракат қилган «Кў-орол» совхоз ва Жамбул номи колхоз механизаторла-ри машина терими планини бажардилар. «Кўорол» со-вхозда 50 та агрегат ердами-да шу кунгача 3 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинган бўлса, Жамбул номи колхоз-ида эса 20 та агрегатда 2050 тонналик хирмон уйилди. Ме-ханик-ҳайдовчилардан Низоом Сайфиiddинов, Ҳамза Соқбо-в, Мирқомил Эшонкулов, Эр-ғаш Азимов ва Нурмат Очи-ловлар йиғим-теримда энг-яқин кўрсаткичларга эри-дилар.

ЯНГИЙҮЛ

БУ ЕРДАН яна ик-ки хўшхабар олинди. Ҳ. Турсукулов номи ҳам-да Ленин номи колхоз-ларининг аъзолари ҳам дастлабки маррага ети-дилар. Ҳ. Турсукулов номи колхозда пахта ҳосилдорлиги 30 цент-нердан ҳам ошди. Ле-нин номи колхозда эса ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 31,8 цент-нердан бўлди. Айни кунларда иккала ҳўжа-

ГАЛАБА

МАХСУС график асосида пахтакорлар ҳу-зурида бўлаётган район маълумот жамиятининг 5 та кўча автолавкаси хизматидан деҳқонлар мамнуи бўлишмокда. Шу кунгача кўча магазин-лар томонидан пахтакор-ларга 48 минг 400 сўм-лик савдо хизмати кўрсатилди. Бунда, айниқса, саноат ва озиқ-овқат молларининг турлари-га алоҳида эътибор бе-рилди. Савдо ходимла-ри мавсум охиригача да-ла меҳнаткашларига яна 25 минг сўмлик хизмат кўрсатишмокчи.

Пропагандистлар семинари

Кеча Тошкент область партия комитетида область пропагандистларининг се-минари иш бошланди. Бу се-минар партия сиёсий ва иқ-тисодий таълим системаси-да янги ўқув йилига тайёр-гарликка яқун ясади. Про-пагандистлар КПСС XXVII съездининг сиёсий ўқув ва иқтисодий таълимин қайта қуриш тўғрисидаги кўрсат-маларидан келиб чиқадиган кенг доирадаги масалалар ва проблемаларни муҳока-ма қилдилар.

Семинарини Тошкент об-ласт партия комитетининг секретари Ш. 3. Камолхў-жаев очди.

Пропагандистлар семина-ри ўз ишнини давом эттир-мокда.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ Тўғрисида ШУ ЙИЛ 27 ОКТАБРГАЧА Бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кун-да тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бе-шинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	0,92	111,48	0,32	106,80
Ўрта Чирчиқ	1,03	101,55	0,32	117,59
Пискент	1,28	100,12	0,49	94,98
Янгийўл	1,68	98,92	1,22	89,47
Коммунистик	1,22	94,81	0,40	110,28
Бекобод	1,13	90,99	0,35	80,12
Галаба	1,07	89,29	0,83	106,17
Оқўрғон	1,00	88,78	0,60	93,22
Бўка	1,37	87,13	0,89	91,80

Область бўйича: 1,18 93,97 0,62 97,25

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нис-батан процент ҳисобида): Фарғона—95,83; Сурхондарё—83,51; Наманган—83,27; Сирдарё—82,10; ҚҚАССР — 78,58; Хоразм—74,87; Бухоро—68,94; Андижон — 68,66; Жиззах—66,11; Самарқанд—62,74; Навоий— 51,96; Қашқадарё—48,98. Республика бўйича—74,37.

СССРдан ЖўНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комите-тининг Бош секретари М. С. Горбачев тақдирга бинаоан дўстлик визити би-лан мамлакатимизда меҳ-мон бўлиб турган КМП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Пре-зидентини Ким Ир Сен Пре-зидентдан ватанига жўнаб кет-ди.

Катта Кремль саройининг Георгий залида Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбарини кузатиб қўйиш маросими бўлди.

М. С. Горбачев Ким Ир Сен билан самийий ҳайрла-шиб, унга оқ йўл тайлади. Кузатиб қўйиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков ҳозир бўлди.

Кремдан мотоциклчи-ларнинг фахрий эскорти


СўНГИ СОСТАВ

ҳамроҳлигидаги машиналар кортежи аэродромга келди. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси-нинг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Мед-ведев, бошқа расмий киши-лар Ким Ир Сенни кузатиб қўйдилар.

(ТАСС).




◆ ИСЛОМОБОД. Зиёул Ҳақ режими мамлакатдаги маориф муаммосига «янгиича ёндашиш» ни қашф этиб, саводсизликни тугатишининг энг яқин йўли — саводсиз кишиларга қарши ку-рашдан иборат, деган прин-ципда асосланган бўлса керак.




да Ливия революциясининг 17 йиллиги арафасида ишга туши-рилди. У суватиға 50 куб метр киспород ва 55 куб метр эти-лен ишлаб чиқара олади.

◆ ҚОҲИРА. Урта деңгизда Мисирнинг Искандария шаҳри яқинидаги Абу-Кир қўрғазиде Наполеон флоты кемаларининг қолдиқларини деңгиз тубидан қўтариб олиш уюсидан ўткази-лаётган ишлар қўтилмаган натижаларини берди. 1798 йил-да қўрғазда француз эскадре-си ғарқ бўлган жойини тадқиқ-



қилган Миср-Франция қўшма экспедициясининг қанаши-лар, нотеничи кеманининг си-нчалари дуч келдилар. Ер юза-сида олиб чиқилган буюмлар синчилаб ўрганилганда тад-қиқотчиларнинг: Булар қадим-ий Рим елканли кемасининг қисмлари бўлса керак, деган дастлабки тахмини тўғрилиги тасдиқланди.

◆ ТУНИС. Шимоллий Тунис-даги Сененан дарёси бўйида СССРнинг техникавий лойиҳа-си асосида берпо этилаётган



тўғон тубига биринчи тош қўй-ишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Сененан тўғони мамла-катдаги энг катта тўғонлар-нинг бири бўлади. Бу ерда 140 миллион куб метр сув си-гиларига суний сув олбори берпо этилади. Унинг асосий вазифаси Тунис пойтахтини ва Шимоллий Туниснинг бошқа ша-ҳарларини иқлимик сув билан таъминлашдан иборат.

(ТАСС, 27 октябрь).

УЙҒОҚ ГРУППАЛАР

ИЙГИМ-ТЕРИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҚўЛЛАНИЛГАН ЯНГИЧА УСЎЛНИНГ САМАРАСИ

РАЙОН партия комитетининг қишлоқ ҳўжалик бўлимига кириб, ботаникада рупараддаги стол ортда ўтирган йиғит телефонда гаплашарди.

Ухлаллашмиш, Эрталаб пахта пунктдан тўғри ишга келишимиз... Ҳа, ҳа, уша сийс группалар тонтгача ишлайпти.

Салом-алиқдан сўнг, сийс группалар нимадиги билан қириқиди.

Ақойиб группалар — деди бўлим мудир К. Гинашев. Унинг йўғон овози хил дўриларди.

Қўларининг қизарганлиги ҳозиргина айтган гапнинг — уйқунлиқнинг ишоти эди. — Бу сийс группалар биринчи секретарианиннг ташаббуси билан ташкил этилди. Район партия комитети, иккрия комитети, бошқа раҳбар ташкилотлар ва ҳўжаликларнинг масъул ходимларидан иборат группаларнинг ҳар бир аъзосига маълум бир ҳўжаликлардаги битта ёки бир нечта бригадалар бериб қўйилган. Улар «ўз бригадалар»даги ишга, группа раҳбарлари эса умуман ҳўжаликларда ишга янги теримнинг қандай бораётганига жавоб беради.

Сийс группаларнинг раҳбарлари ҳар кун кечқурун соат 22.00 да райкомга йиғилдилар. Шахсан биринчи секретарга бугунги иш ҳақида ахборот бериладилар.

Ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинади, камчиликларини бартараф этиш бўйича йўл-йўриқлар, конкрет топшириқлар айтилади.

Сўнг... уйга эмас, далага йўл.

Райком секретари ярим кечагача телефон пултига таспада ўтирибди. Сийс группаларнинг раҳбарлари кун билан терилган ҳосилни топишириш жараёни тўғрисида ахборот бермоқдалар.

— Бадриддин Садриддинович, ҳамма бригадалардаги барча ҳосил пунктга топширилди!

— Раҳмат, ўртоқ Шокир, энди дам олинг.

Телефон орқали тунги суҳбат аксари шу тарзда давом этади. Райком ухлаллашмайди, тонтгача телефон жинглиги тун сукуватини бузиб туради. Далада, пахта пунктлари уйғоқ, Бутунги маълумоти яқунлаб, кечқурун уйига жўнаган раис эрталаб келганида маълумотдаги топшириган пахтаи ўз-ўзидан қўпайиб қолганини кўриди. Аввал ҳайрон, кейин мулазам бўлди: бу — сийс группаларнинг иши. Уларга шундай ҳўқуқ бериб қўйилган: терилган ҳосилнинг охириги килограммигача раисдан ҳам рухсат сўрамай пахта пунктга топширишавора.

ди. Бу усулда, бу янги «технология»да қайта қуришнинг таъсирчан бўлини ишга туширилганга ўхшаб қўриляпти. Илгари ҳўжаликда 120 тонна пахта терилса 100 тоннасини пунктга топшириб, 20 тоннасини эртанги «запас»га олиб қўйиш тажрибаси кенг қўлланиларди. Бу эса маълум даражада хотиржамликни тўғдирар ва бу ҳол ўз-ўзидан терим суръатининг пасайишига олиб келарди.

Энди районда бунга барҳам берилди.

Давлатта бир кунда 7 процентгача ҳосил топширишмишда худди мана шу янги усул катта ёрдам берди. Кўнлик бунақа сурат район тарихида бўлмаган.

Шунингдек, сийс группалар, айниқса шикоят билан, аниқ ишлатган айрим ҳўжаликлар ҳам «умрида қўлмаган» даражада қириб олинишда Масалян, район-

Шунингдек, Сарсенбой Баратов, Ғулом Иброҳимов, Раим Айдарқулов, Сотиболди Каримбоев бошлиқ бригадаларнинг азаматлари энг юқори ҳосилдорликка эришиб, ҳўжалик ютуғига салмоқли ҳўса қўшдилар.

Зафар маррасига иккинчи бўлиб етиб келган Терешко-ва номи колхоз деҳқонларининг шикояти ҳам таҳсинга лойиқдир. Бу ҳўжаликда ҳам жами хирмоннинг 90 проценти «зангори кема»лар бундерида тўқилди. Жаниш Жумабоев, Ғофир Билалов каби механизаторлар, Мучқоқ Ҳасанов, Мустақим Аҳмедов, Аваз Омилов бошлиқ бригадалар коллективларининг фидойи меҳнати ҳўжалик ютуғини таъминлади.

Районда умумий терим манзараси яхши бўлгани билан, шолнинг орасидagi кўрмак каби қўлоқлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Тошкент Ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ин-

— Одамларнинг чиқиши оза, — деди бош иқтисодчининг ёнида ўтирган ҳисобчи, — кеча маълумот берганимизда 315 киши эди, далада эса бор-йўғи 200 киши ишлади.

У ҳолда нима учун райкомга ёлгон маълумот берилди?

Ҳисобчи жавоб бера олмади.

Деҳқон етиштирган мўл ҳосили тез ва соа йиғиб-териб олишда ҳашарчиларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Шу муносабат билан ҳар йили районга оталиқ ёрдами кўрсатадиган Чирчиқ шаҳри меҳнаткашларидан, ўқувчи, студентлардан ўрта чирчиқликлар бениҳоя миннатдор оналигини таъкидлаш ўринлидир. Ҳозир районда жами 21 минг теримчи пахта далаида.

Улар орасида чирчиқлик 2466 ишчи ва хизматчи, 2466 нафар мактаб ўқувчиси, библиотекари ва техникумларнинг 3657 нафар талабалари бор.

Ўрта Чирчиқ районидagi мактабларнинг 3500 нафар ўқувчилари ҳам ота-оналари етиштирилган ҳосилини йиғиштириб олишда актив иштирок этишати. Далада пахта бирмунча қамалиб қолганига қарамай, 20—21 октябрь кунлари айрим ҳўжаликларда ўқувчиларнинг ўртача терган пахтаи 65—70 килограмми ташкил этиди. Ленин номи, Ақмал Икромов номи, «Ленин йўли» «Коммунизм» колхозларида ишлатган ўқувчилар ана шундай юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Ўқувчилар меҳнатининг самарали бўлишида инсоний сийс группалар аъзоларининг ташкилотчилик фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу группа район партия, совет ташкилотларида маълум лавозимларда ишлайдиган аёллардан тўзилган бўлиб, уларнинг ҳар бири даладаги маълум мактаб ўқувчиларига бериб қўйилган ва шу уштанга жавабдордир. Бу группаларнинг аъзолари ҳам ҳар кун эрталаб соат 8.30 да район партия комитетига йиғилишди. Қисқа муддатли йиғилишда ҳар бир киши кечаги иш тўғрисида ахборот беради. Райком секретари теримга қанча киши чиқмагани сабаблари билан қизқаради, суръатини бўшаитириш маслиҳатини сўрайди. Шу тариқа, даладаги ҳар бир ишловчининг фаолияти ҳақида — райкомда ойналган тейдек марназлашмиш кўриниб турибди.

Х. ОЛИМЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ПИСКЕНТ районидagi «КПСС XXVI съезди» совхозининг Суроб Боймуродов етакчилиги қидаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари 35 центнерлик марра учун курашмоқдалар.

Айни пайтда бригада дала-ларида йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан давом этдирилмоқда. Суратда: бригаданиннг илгор комсомол-ёшларидан бир группаси.



НАЗОРАТ ВА НАТИЖА

СЎЗ — ТАШАВБУС. КОРЛАРГА

Ваъда бердикми, бажарамиз

Деҳқонларимиз бу йил юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Эрта баҳорда 14 минг 660 гектар ерга чигит экилди. Ҳамма ерда дала ишлари олабаста пахтакорлар Совети тавсиялари асосида ташкил этилиб, тўла гектарлар учун кураш авж олдирилди. Ҳар бир картада экин парваршиши таъкидлаштириб ўтказилди.

Бу йил ҳам биз ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишга алоҳида эътибор бердик. Шунинг учун ҳам барча ҳўжаликларда экинлар машинабон қилиб ўстирилди. Йиғим-терим мавсуми бошланганидан олдин эса ғўзаларни дефолиация қилиш ишлари қисқа фурсатларда, сифатли бажарилиб, барт яхши тўқилди. Терим машиналари учун кенг иш фронти яратилди. Ҳўжаликларда 21 та терим-транспорт отряди тўзилиб, уларга 389 та зверо бирлаштирилди. Машина ва механизмларга бевосита далаининг ўзида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида кўча ушаналар ташкил этилди. Бу ушаналарда маҳалла ремонтчи-созовчилардан 683 нафари ишлай бошладилар. Терим конвейерининг пишиқ-пукта ишлари назорат қилиб борилади. Шунинг учун ҳам районимиз меҳаник-ҳайдовчилар бригадаси ташкил этилди. Даладаги юксак унум билан ишлатилган жами 284 та агрегатнинг ҳар бирида шу кунгача ўртача 100 тоннадан ортиқ пахта йиғиштирилди олинди. Меҳаник-ҳайдовчилар ўртасида ўтказилган ўзaro социалистик мусобақада Суробий Абдуҳақов, Абдурамон Абдуҳақов, Абдурамон Абдуҳақов, Абдурамон, Расул Жаҳонбери сингари кишилар пешнадамлик қилдилар.

РАПО ва унинг мутахассислари қўл терими имкониятларидан ҳам умимин қадар самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ҳўжаликлар билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориладилар. Вақти-вақти билан бу соҳадаги аҳоли таҳлил этилиб, камчиликларни тугатишга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилинди. Шу тўғрйли суръат кўтарилиб борилади. План барвақт бажарилади. Қабул пунктларига 42 минг 500 тонна Пискент пахтаи топширилди. Ҳар гектар майдондан олинган ўртача ҳосил салмоғи 29 центнер бўлиб, «Гулистон», «Тельман номи», «Охунбобоев номи», «Гулистон» ва Калинин номи колхоз пахтакорлари йиллик планларини раёнда биринчилар қаторида бажариб, бир неча кундан бери мажбурийат ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Йил бошида районимизнинг илгор бригадаси бошқарушида Норминбой Ҳасанов ва Ҳалил Иброҳимовлар 40 центнерлик марра учун кураш ташаббуси билан чиққан эдилар. Уларнинг издошлари қўпайиб борилади. Тельман номи колхоздан Жаҳод Ғофуров, Охунбобоев номи колхоздан Тўхтабай Турғунов, Ардабод Тошмуродов, «Гулистон» колхозидан Исмаил Сариев, Абдунаби Арсенов, «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан Абдурамон Нишонов ва Фадил Аҳмедовлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар пахта майдондан 33—37 центнердан хирмон кўтариладилар. Айниқса, Жаҳод Ғофуров етакчилиги қидаётган бригадаси коллектив юксак муваффақиятга эришди. Мазкур бригада даладаги пахта ҳосилдорлиги шу кунгача 40 центнердан ҳам ошиб кетди.

Шунинг қувонарлики, бу бригада коллективни планда белгиланган 300 тонна соғ олтинчиган ҳаммасини биринчи сортга топширди. Ҳосилнинг 90 проценти эса машиналар ёрдамида териб олинди. Илгор меҳаник-ҳай-

довчилардан Вали Мамедов, Раим Маматқулов, чевар теримчилардан Ҳалима Баратова, Биллур Айнарова, Гулнара Ғофурова ва Соия Йилевоаларнинг коллектив хирмонининг баракали бўлишига қўшган улушлари салмоқли бўлди, албатта.

Бир сўз билан айтганда, далачиликдаги ишларни қайта қуришга иккуний ёндош-ишга ҳаракат қилдик. Ҳар бир ҳўжалик раҳбари, мутахассисларга, ўрта бўғин кадрларига ерни тайёрлаш, экин, ғўза парварши билан боғлиқ бўлган агротехника тадбирларини ҳўжаликнинг ер шароити, экин ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўзлари мушаккил амалга оширишлари учун ишонч билдирилиб, мушаккил амалга оширилди. Лекин бу ишончининг суиестемол қилинишига йўл қўйилмади. Мутахассислардан тўзилган назорат группалари дала ишларининг бориши ва йиғим-теримни ташкил этилишини доимо назорат қилиб, амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берди. Бизнингча эришилган муваффақиятнинг омили ҳам шунда.

Лекин план бажариладиган сўнг ҳам район ҳўжаликларидан терим суръатини су-саттирмаймиз. Барча куч, техника ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати ёғин-сочини, йил кунларга қолдирмай етиштирилган ҳосилни нес-небуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилгандир. Шу мақсадда далада ишлатилган маданий-маиший шароитларни, яратилиш, мусобақани авж олдириш, ғўзаларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга муҳим эътибор берилмоқда. Ўйлаёмизки, биз кўраётган бу тадбирлар теримнинг ҳал қилувчи босқичида инсон омин-лидан оқилона фойдаланиб, дастлабки топшуриқларни амалий иш билан мустаҳкамлашимизга ёрдам беради.

Б. БҒҒИЕВ,

Пискент район агросаноат бирлашмаси Совети раиси вазифасини бажарувчи.

Н. ҲАСАНОВ,

Пискент районидagi Охунбобоев номи колхоз бригадаси бошлиғи.



Туймбой Романов ўрта Чирчиқ районидagi Свердлов номи колхоз механизаторлари ўртасида ўтказилган

социалистик мусобақада яхши натижаларга эришмоқда. У меҳнат қидаётган Сотиболди Каримбоев бошлиқ брига-

да пахтакорлари 35 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Моҳир меҳаник-ҳайдовчи шу кунгача энг кўп

пахта терди. Суратларда: (чапдан) Алибей Исроилов, Туймбой Романов ва Нишон Турсунбоевлар мусобақа

яқунлари ҳақида суҳбатлашмоқдалар; машина терими пайти. А. Зүфаров фотолари.

ҚАҲРАМОН ТАН БЕРДИ-Ю, ЛЕКИН...

БҒҒИЕВ Алибей бошлиқ бригадаси аъзолари колхозда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариладилар. Энди пахта мажбурийат ҳисобига топшириляпти. Бу ҳабарни эшитган Таласбой Ғаза-тов тушлик пайтда мусобақадорини табриклаш учун кўшн бригадасига йўл олди. У шийпонга етиб келганида колхоз раиси Абдукарим Орзиқулов ва яна уч-тўрт бригада бошлиқлари шу ерда эдилар.

Қўтловдан сўнг раис ҳазилга ўқиди:

— Қаҳрамон, мана мусобақадорингиз сиздан ўзиб кетиб, планини бажарди. Янги-яшмадан биринчи бўлиб, деб ваъдани сизлар берган эдингизлар, шекилли?

— Кечаги ёғин билан теймаганда бутун биз ҳам планини бажарган бўлардик.

— Ия, ёғин сизларнинг далаингизга ёғиб, Бўрибойнинг четлаб ўтганида, — яна илмоқли савол қилди раис.

— Мен ундай демаюқ эмасдим, ҳижолат бўлди Таласбой ака. — Биз ҳам икки кундан кейин рапорт берамиз. Лекин биринчи улоқ Бўрибойда кетди. Унга тан бердик. Аммо раис, кураш ҳали олинди. Гектардан ким кўп ҳосил кўтарса чинакам улоқ ўшаниши бўлади.

Таласбой ака ўз бригадаси билан рапорт бериб, улоқни қўйиб қўйди. У катта йўлга туташ дала-ларга қўз югуртирди. Ҳар бир одамнинг, эгитки неча бор орадан бўлса-да, тиз қўлиб қўз савади. 6—7 та-дан бўлиб қўз, у-тўртта-дан олинган пахта, 8—10 та-дан эса хом қўзак бор ҳар тўда. План эса тўқсондан ошиб, юзга яқинлашиб қолган. Мана шу очилган ҳар тўдадаги қўзларнинг рапорт бериши.

Таласбой Ғаза-тов доимо ҳўжаликда биринчи бўлиб планини бажаришга кўнглик қолган эди. Боя раис олдин-дан терилган пахта, раис бошқа ёқда буришга уринганда ҳижолат тортиди. Бироқ ўзига яна тасалли берди. Ҳали кураш олинди-ку! Гап планини биринчи бўлиб бажариш эди, ҳосилдорликда, сифатда. Ҳосилдан эса қўнглик тўз. Энг муҳими шу.

...У кири икки йилдан бери бригадирлик қилди. Колхозда эмас, районда, областда уни қўнглик билди, мол-ҳар пахтакор сифатли та-килган, муттасил план ва мажбурийатларини бажариб, эл олдига берган сўзини оқ-лаб келганди.

Таласбой ака планини бажариб, рапорт берди.

...Орадан уч кун ўтгач Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Таласбой Ғаза-тов бригадаси ҳам ғалаба рапортига имзо чекди. Эндиги марра — 40!.

«Ленинбод» колхоз пахтакорлари бу йил 1642 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектардан 33 центнердан хирмон уйиш мажбурийатини олишган. Ана шу улкан доvon забт этилишга соноқли кулар қолди. Бу курашда ҳўжаликнинг Бўрибой Алибей ва Таласбой Ғаза-тов бошлиқ бригада аъзолари қарвонбошлик қилишмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ, Оқибот райони

тириш тўғрисидаги Мурожаатномаси муҳокама қилинган, ҳолос. Фақатгина 57 корхона ва ташкилот коллектив иштирокчилари қабул қилдилар. Лак-бўёқ заводи, тўқимачилик комбинати каби биринчи корхоналарда ҳатто зинага олинган мажбурийатларнинг бажарилиши яқунлашди, шу корхоналар меҳнаткашлари ишлаб чиқариш планининг кўпгина қўсаткичларидан беҳабарлар.

Кишилар онгининг қайта қурилиши кўп жиҳатдан ишнинг янги, анча самарали усуллари омилидорлик билан қириб қилиб, бунга эришилганинг энг асосий йўли демократияни ҳар томонлама ривожлантиришда, бошқарувнинг барча даражаларида коллектив раҳбарлик принципининг қарор топишида, таъкид ва ўз-ўзини таъкид, назоратни кенгайтиришда, меҳнатга масъулиятини тўла ҳис қилиб мусобақадор бўлишдадир. Фақат ана шундай вақтдагина янгиликка иштирокчи руҳи пайдо бўлади, мутаасиблик ва турғунликка нисбатан мусобақасизлик юзага келади.

Шунинг учун ҳам партия ташкилотларининг жанговарлигини кескин ошириш талаб этилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1986

йил июнь Пленуми қарорларида таъкидланганидек, партия қарорларининг ҳар бир меҳнат коллективига амалга оширилиши учун, уларнинг меҳнаткашлар фаолиятида муваффақиятларни учун маъмулият шу партия ташкилотлари зиммасига тушади. Улар областимиз экономикаси ва маданийнинг кўнглик соҳаларида тўдан-тўдан йиғилишга эришилган ҳаракат. Айниқса, чорвачилик, қайтаёт қўнгликларига яхши ҳол қўнгликларидан беҳабарлар.

Қатор социал масалалар ҳам ҳал қилиниши лозим. Бироқ ҳозирги вақтда гап кўп бўлмоқда, амалий ишлар эса етарли эмас. Шунинг учун ҳам санаот маъсулияти сифатини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатишчи соҳаларни, жумладан соғлиқни сақлаш, юксалтиришда дурусткор натижаларга эришилганича йўл. Идеология соҳасидagi ишларни яхшилаш катта проблема бўлиб қолмоқда.

Шуларнинг ҳаммаси ҳамма жойда ишнинг аҳолининг чуқур таҳлил қилиниши, ҳар бир меҳнаткашнинг фиксация қилиниши талаб этади. Қайта қуриш партия ишига меҳнат коллективларида, ғўзга хос «ишчи университетлари»да тарбия маънавияти утаган янги кулар қўнглигини талаб этади. Бунинг учун эса катта им-

кониятлар бор. Фақатгина Тошкент шаҳрида сайланган партия активи састаидаги ёш 28 га етмаган 200 га яқин ишчи бор.

Қайта қуриш идеология ишнинг тўдан яхшилангани тақозо этади. Бунинг асосий оғирлиги ҳам партия ташкилотлари зиммасига тушади. Улар барча меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича иш қўламини кескин кенгайтиришлари керак. Токи ҳар бир меҳнаткаш ҳозирги замон социалистик қўнглигини вазифаларини чуқур ҳис қилсин, уларни амалга оширишга ўзи қандай ҳўса қўнглиши мумкинлигини аниқ билисин. Бироқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг учинчи пленумида таъкидлаб ўтилганидек, гоёйиб тарбиянинг ишга иккинчи даражаси вазифа сифатида мусобақадор бўлиш ҳамон бартараф этилганига йўқ. Эндилда бундай аҳолига тўла хотима бериш керак.

Чуқури мамлакатини социалистик руҳини ривожлантиришнинг жадаллаштириш юзасидан белгиланган улғувор вазифаларининг амалга оширилишида инсон омилга тўла қўнглик қўнглиши куч бўлиб қолди. Шундай экан, ҳар бир меҳнаткашнинг фикрлаш доираси кескин кенгайиши, у коллектив манфаатини ўз манфаатидан

юқори қўз олиши, вазифасига виждонан, сидқидилдан муносабатда бўлиши лозим.

Бироқ, пойтахт областимиздаги қатор меҳнат коллективларида идеология ишнинг моҳиятига етарли эътибор берилмаганди. Масалан, Тошкент сўт комбинати, атир-ўпа фабрикаси, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бириламиси ва бошқа қатор корхоналарда мамлакатни социалистик руҳини ривожлантириш талабларини масалалари саёз ўрғанилди. Сийс машғуллар тўғрисида ҳам олиш вақтида узоғи билан 15—20 минут давомидида ўтказилди. «Ташметроустрой» трестиди, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бириламисида эса сийс ахборотчилар ва агитаторлар актив иш олиб бормаятилар.

Қатор меҳнат коллективларида ягона сийс кўнглик меҳнаткашларининг онгини оширишнинг таъсирчан фактори бўлиб қолганига йўқ. Бундай кўнглик доқдаллар кўнглича саёз, маҳаллий фактлар билан боғланмаган ҳолда қилинади. Текшириш шунини кўрсатдики, шаҳар ва район партия комитетлари юборган деярли ҳар уч доқдаланиннг бири сийс кўнглик иштирок этаётган меҳнат

коллективининг ҳаёти ва ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муаммолар билан боғланмай ўтказилмоқда. Кўнглик газеталарда босилган мақолаларни ўқиб бериш билан чекланилади. Бунинг уштанга Олмалик шаҳар ва Ғалаба район партия комитетлари ходимлари ўртасида ўтказилган суҳбатлар бевосита идеология ишнинг ташкил этишга даъват этилган партия ходимлари ўртасида муҳим партиявий ҳужжатларнинг чуқур билимланганлар болрили ҳам аниқланди.

Қайта қуриш — умумхалқ ишидир. У ҳаммага тааллуқли ва ҳамма жойда амалга оширилиши лозим. КПСС ҳар томонлама қайта қуриш зарурлигини таъкидлаб экан, бу жараён барча меҳнаткашлар, бутун жамият фикрлари ва психологиясида тўз силкишлар таъминланганча давом этишини уқтиради. Ҳар бир совет кишининг эртанги кун учун масъулияти ниҳоятда ошган ҳозирги даврда инкитмоий онгини қайта қуриш бўйича ишлар қўламини бутун чорлар билан кенгайтириш, унинг таъсирчанлигини кучайтириш лозим.

Л. БЕЛЯВСКИЙ, тарих фаллари кандидати, доцент.

ВETERАН ИШЧИЛАР—САФИМИЗДА

ПАХТАКОРЛАР

ХИЗМАТИДА

БЕКОБОД районидagi Ойбек номи совхоз меҳнаткашлари ўртасида саябатга бўлган қизиқиб тобора ортб бормоқда. Ана шунинг ҳисобига олган совхоз раҳбарлари клуб қошида янги оригинал ном билан аталувчи «Садбарг» («Юз япроқ») бадий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилди. Ансамблга санъатчи ҳақиқий иқтисоди Хамид Эргашева раҳбарлик қилмоқда.

Айни кунларда ансамбль аъзолари район агитбригадаси саставида дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсата бошладилар. Яқинда улар илк бор Т. Мирзаев бошчилик қилётган 1-бўлим пахтакорлари ҳузурида бўлиб, ўз концерт программаларини намойиш этишди. Айниқса Б. Тураев, С. Турдикулова, Ф. Турдикулов, И. Жўраевлар ижросидаги ўзбек ва тоjik халқ кўши, рақслари ҳамда интермедиялар меҳнаткашлар олқишга сазовор бўлди.

Р. УСМОНОВА.



ЎРТА ЧИРЧИК районининг Ким Пен Ха номи колхозда республика бир қатор ёзувчилари билан пахтакорларнинг урғуви бўлиб ўтди. Ўрашувда шоира Нодира Рашидова, ёзувчи В. Давидов, Струковский сўзга чиқиб, ўзларининг янги асарларини, келгуси режаларини ҳақда ҳикойа қилиб берди. Шундан сўнг Тошкент маданият институтини студентлари ижросида катта концерт программаси ижро этилди.

М. ДОКТОРОВ.



ЧИНОЗ районидagi Охунбоев номи колхозининг Турсулой Раимова етакчилиги қилаётган 5-бригадаси аъзолари сўзлариди билан муваффақиятлик меҳнат қилиб, катта ютуқларини қўлга киритдилар.

Яқинда Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музыка драма театри коллективини ана шу ғолиб бригадга аъзолари меҳмони бўлишди. Театр ижодий коллективини пахтакорлар учун тайёрлаган янги спектакллардан парчалар ҳамда интермедиялар қўйиб берди. Айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Шарипов ҳамда солист Ф. Аҳмедовлар ижро этган интермедиялар катта қизиқиб ўйотди. Театрнинг истеъдодли ёш актёрлари Д. Сафоева, Р. Азизова, М. Отажоновлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Тошкент Давлат цирк артисти Н. Грдина пластик этюдлар кўрсатди.

А. ОРИПОВ.



ТОШКЕНТ сатра театри коллективини республикада областлар бўйлаб дастлаб, ки гастролларини ўтказди. Гастроль чоғида Абдулла Қўлларнинг «Тобутдан товуш» асарини асосда тайёрлаган ва бошқа бир қатор спектакллардан парчалар намойиш этилди.

М. МИРАЛИМОВ.



УСТОЗ МАТБААЧИ

САЙФУЛЛА шогирдликдан ўтиб эндигина мустақил иш бошлаган кезлари бирдан уруш бошланди. Маҳалладаги тенгдошлари, ёр-биродарлари бирин-кетин фронтга кета бошладилар. Шундай кунларнинг бирида ҳали ар-

мияга қақирилмаган бир-икки дўсти билан кенгашишди, биргаликда туғри ҳарбий комиссариатга йўл олдилар.

— Фронтга кетмоқчимиз деген? — деди ҳарбий комиссар. — Ҳозирги пайтда бу ер ҳам фронтлигини биласизми?

— Ҳарбий комиссар кўллари ортидан олганча хонанинг у бошидан бу бошига бориб кела бошладилар. — Сизлар бу ерда кўпроқ керакислар, шунинг учун олиб қолганимиз сизларни. Шунинг учун олиб қолганимиз сизларни.

Шундан сўнг Сайфулла ўз коллективини — 3-босмаҳонада меҳнат қилишни давом эттирарди. Ана шунга ҳам қирқ йилдан ошибди.

Ўтган йиллар давомида меҳрибон устоз юзга яқин малакали ишчи тайёрлади. Шогирдларидан Ш. Шоматмуродов ва Т. Умаровлар ҳалол меҳнатлари туфайли корхонада обрўли кишилар қаторидан ўрин олишган. Сайфулла ана яқинда пен-

сияга чиқди. Аммо... уйда узоқ ўтиролмади. Яна қадрдон ишхонаси томон йўл олди.

— Ҳамма ерда қайта қуриш, мадallaштириш кетаётган бир пайтда уйда қоридона қуриб хотирам ўчирилмади. Қирқ тўрт йил шу ерда ишладим, ана ишлайвераман. Ҳозир ҳам бир нафисан йиғитчалик гайратим бор!

Шогирдлар унинг галини завқланиб тинглашди. Унинг қайтганини бир овоздан қўлаб-қувватладилар.

«Матбуот» ишлаб чиқариш бirlашмасининг 3-босмаҳонасида ним билан сўхбатлашган, ҳурматли ишчилар қаторида дастлаб Сайфулла ана Юсуповнинг номини тилга олинди, кўпчилик у ҳақда «бизга ҳам устоз» дея мароқ билан сўзлайди.

Сайфулла ана оилада меҳрибон ота ҳамдир. Икки қизининг олий маълумоти, ўғли эса ота касбини ағаллаган. Сайфулла ана фарзандларидан мамнун.

Яна кўп йиллар саломат бўлинг, устоз!

Л. ТҲТАЕВА.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабули эртага — 29 октябрь кунини соат 17.00 дан бошлаб ўтказди. Бу сафар қабулди Тошкент област ижroiа комитети юстиция бўлимининг бошлиғи Еқуб Бозорбоев бошқаради.

Шикоят, ариза ва илтимосномалари бўлган ўртоклар ана шу қабулхонага келишлари ва ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан муножаат қилишлари мумкин. Келишга имкон тополмаган кишиларга редакция жамоатчи Совети қабулхонаси хат орқали ҳам жавоб беради.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ ЖАМОАТЧИ СОВЕТ КАБУЛХОНАСИ.

П у х т а ў р г а н и ш м о қ д а

ПОЯТАХТИМИЗДАГИ 60-мактаб педагогик коллективини ислохот талаблари асосида ёш авлодга малакали билим беришга интиломоқда. Бу мақсадда ҳар бир предмет бўйича ташкил этилган кабинет зарур ўқув кўргазмалари қўроллари билан тўла жиҳозланди. Ўқитувчилар техник воситалардан фойдаланишни кенг йўлга қўйди. Айниқса, бу жиҳатдан мактабда чуқур ўргатилиши мақсад қилиб қўйилган немис тили кабинети эътиборга лойиқдир. Бу хонада болалар лингфон аппаратураси ва магнитофон ёрдамида тилини пухта ўрганишга интиломоқдалар.

Суратларда: немис тили ўқитувчиси Зуҳра Абдуллаева (чапда) ҳамда ўқувчилар (ўнгда) машғулот пайтида.

А. Минини фотолари.

«ЧАВАНДОЗЛИК «ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА КИРГАНМИ?» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

ЧОПҚИР ОТЛАР БИЗДАН

«Тошкент ҳақиқати»нинг 15 октябрь сонида эълон қилинган «Чавандозлик» қизил китобга кирганими? мақоласини ўқиб, айни дилдаги гаплар айтилганини англадим. Дарҳақиқат, чавандозлик спортини ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд бўлган республикада бу ишнинг оқсатганлиги кишини ажаблантиради. Ваҳоланки бизда деярли тўнча ой давомда очиқ майдонда машғулотлар ўтказиш мумкин!

Тошкент от заводининг асосий вазибларидан бири республика чавандозлик секцияларига спорт тулпорларини етказиб беришдан иборат. Завод 1924 йилда ташкил топган эди. Шундан бери неча ўн минглаб йилқилар от спорт секциялари ҳамда колхоз ва совхозларга жўнатилади. Лекин Бутуниттифоқ ҳамда халқаро му-

собақаларда республика чавандозлари тузуқроқ натижа кўрсатаётганликлари кишини ташвишга солади.

А. КАНАЕВ.

Тошкент от заводи директори.

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам кишиларимиз отларга алланечук меҳр билан қараганлар. Бутунги кунда чавандозликка бўлган қизиқиб янада ортганини тан олиш керак. Тошкент от париди ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этсангиз бунинг шохиди бўласиз.

Афсуски, Тошкент отчопари шайхларининг чегарасида бўлганлиги учун от спортининг барча иқтисомидилари ҳам бу ерга келиш имконига эга эмаслар. Ахир шайхларнинг нарийги чеккасида бу ерга келиш учун намида икки-уч соат вақт кетиши аниқ. Шунинг учун бу қизи-

қарли ҳамда кўпчилик томонидан мириқиб томоша қилинадиган спорт турини омаллаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Бу ишга бевосита алоқаси бўлган Тошкент от заводи ҳаракат қилаётган. Ҳозиргача заводда 28 та зотли, 100 дан зиёд инглиз-қорабуй отлари тарбияланди. Бу йил Москвадан Тошкентга Днепротропск от заводида етиштирилган учта зотли йилқилар келтирилди. Улар бир неча бор Европа кубоғи соҳиб бўлган машҳур тулпорларнинг зотида, Келгусида улардан насл олиш ҳисобига республика спорт секцияларига янада чопқир аргументлар етказиб бериш мумкин. Секциялар сонини кўпайтиришни эса жиддий йўлаб кириш керак.

Н. ЛЕВАДИЙ.

Биринчи категорияли от ўргатувчи.

КОМПОЗИТОРНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

«Баҳор» концерт залида таниқли ўзбек совет композитори, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг доценти, СССР Композиторлар союзининг аъзоси Тўққиз Қурбоннинг ижодий кечаси ўтказилди. Унда Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчиси, музикашунос С. Закиржеская композиторнинг ўзбек совет музикаси тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио

эшиттириш Давлат комитетининг камер оркестри ҳамда М. Қўриқубов номидаги Ўзбекистон ССР концерт филармонияси бirlашмасининг ўзбек Давлат симфоник оркестри ижросида ижодкорнинг турли мавзулардаги асарлари ижро этилди. Жумладан, Т. Қурбоннинг «Олтинчи симфония»си, «Тўй бағми» асарлари, Ибн Синога бағишланган прелюдияси санъат мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Х. ИБРОХИМОВ.

САВДО МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

Ғалаба районидagi Гуллуб заводи ишчи-хизматчилари хурсанд: корхона яқинида Қўргонча матлубот жамиятига қарашли савдо маркази ишга туширилди.

Замонавий услубда қуриб битказилган бу савдо шаҳобчаси ишчиларга, район аҳолисига хизмат кўрсата бошлади.

А. АБДУСАТТОВОВ.

ЯНГИ САНАТОРИЙГА БЕЗАКЛАР

ПОЯТАХТДАГИ савдо ускуналари заводининг рас-сомлари ва безаклар дурдгорлари Калинин райониди

қурилган 320 ўринли янги санаторий биносида пардозлаш ишларини якунлашди. Санаторийнинг ошхона, кино

зали, даволаш хоналари ва ётқонхоналарига заводда тайёрланган 26 минг сўмлик турли бадий безаклар ўрнатилди.

Пардоз ишларини амалга оширишда заводнинг рас-

сомлари Александр Мациук ва Владимир Семушин, ўйма нашт устаси Владимир Ломанин, яқин бекак ишларини бажарувчи — дурдгорлар Константин Куприянов, Шавкат Махмудов ва Йўл-

дош Қосимовлар алоҳида маҳорат кўрсатишди. Санаторий яқин кунларда дастлабки дам олувчиларни қабул қилади.

Д. МИХАИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗИМИ?



ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидagi наби республикада, жумладан, областимизда ҳам 1987 йил учун газета ва журналларга обуна тугай деб қолди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ҳам обуна бўлишга келишмангиз.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойингиздаги ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи

матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишнинг мумкин. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади. 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газета 1987 йил февралдан бошлаб етказиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилда — 6 сўм 60 тийин.

ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИГА ҚАБУЛ

УНИВЕРСИТЕТГА МАРҲАМАТ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» редакцияси ҳузуридан икки йиллик ишчи-қилоқ мухбирлари университетига навбатдаги янги группа

тинловчилар қабул қилинмоқда. Университетга қолқоз ва совхоз меҳнатчиларининг вакиллари, ишчилар ва қурувчилар, муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари, студентлар — мухбирликка иштироки бўлган барча кишилар киришлари мумкин.

Машғулотлар икки ҳафтада бир марта жума кунлари кеч соат 18.00 да бошланади.

Университетга кириш учун иш ёки ўқиш жойи.

дан характеристика-тавсиянома, тарихий ҳол ва 3х4 см. ҳажмдаги инкита фотосуратини тақдим этиш лозим. Хужжатлар редакция биносида қабул қилинади.

Адресимиз: Ленинград кўчаси, 32, 7-қават, 747-хона. Шаҳар телефони, 32-55-56, ички телефон: 55-56.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«ЗЕНИТ-АВТОМАТ» ФОТОАППАРАТИ

«ЗЕНИТ» маркасидаги фотоаппаратларнинг янги туркуми — кичик форматли, тош ойнакли «ЗЕНИТ-АВТОМАТ» фотоаппаратининг объектив байонет мустақимлаш ва конструкцияси тақомиллашган затвор билан жиҳозланган. Бу фотоаппарат оққора ва рангли 35 миллиметрли пленкада расмига олувчи фотоҳаваскорлар учун мўжизаланган.

Электр магнит ёрдамида ишга тушириладиган қурилмаси бўлган электрон автопуск масофадан туриб бошқариш имконини беради, демак—бундай вақтда ўз-ўзиндан суратга олиш мумкин.



«ЗЕНИТ-АВТОМАТ» фотоаппаратининг яна бир афзаллик томони—у ўта шаффоф «Гелиос-44К-4» объектив ва «сакровчи» диафрагма билан жиҳозланган. Замонавий жиҳатлари «ЗЕНИТ-АВТОМАТ» фотоаппаратини мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энг яхши фотоаппаратлар қаторига қўяди.

«ЗЕНИТ-АВТОМАТ» фотоаппаратларини давлат савдоси ва матбуот кооперацияси магазинлари ва уларнинг ихтисослашган бўлимларидан ҳарид қилиш мумкин.

«ДОН-103» ФОТОУВЕЛИЧИТЕЛИ

СИЗ СИФАТЛИ ВА РАНГЛИ ФОТОГРАФИЯ ЧИҚАРИШ УЧУН НЕГАТИВЛАРНИ «ДОН-103» ФОТОУВЕЛИЧИТЕЛИ ЕРДАМИДА ЁРУҒЛИКНИ ЖУДА МУВАФФАҚИЯТЛИ КОРРЕКТИРОВКА ҚИЛА ОЛАСИЗ.

Бу увеличитель ёруғлиқни мувофиқлаштирувчи головнага ва кўнда фокуслаштириш қурилмасига эга.

Объектив проекцияли — «ВЕГА-11V».

Увеличитель комплектига — кадрлар яратиш рамкаси ва вақтин сонди индикаторли электрон реле кирди. Кадрлар негативларининг формати 13х17 миллиметрдан 24х36 миллиметргача.

ЦРКО «РАССВЕТ» «ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

ЗАМОНАВИЙ МОДАНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ МОДАНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ ГАЗЛАМА ВА ШОЙИ МАТОЛАРИНИНГ РАНГДОР ВА ЧИРОЙЛИ ГУЛЛИ БЎЛИШИГА ҚАРАТИЛГАН.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ МОДАДА «ЯРМАРКА», «РОМАНТИКА», «РЕМЕСЛО», «КОНСТРУКТИВИЗМ» ДЕГАН ЙЎНАЛИШЛАР ПАЙДО БЎЛМОҚДА.

МАРҒИЛОН ШОЙИ КОМБИНАТИДА ТЎҚИБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН КРЕПДЕШНИ, КРЕПЖОРЖЕТ, КРЕПШОН ШОЙИЛАРИНИНГ ШҲХ ГУЛИ АНА ШУ ЙЎНАЛИШЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Улардан тикиладиган қўйлақлар, сарафанлар, костюмлар хушбичим бўлади.



КОМБИНАТ ХИМИЯВИЙ ТОЛАЛАР ҚЎШИЛГАН ҚЎЙЛАКБОП «ДИЛБАР», «РОЗА», «НАРГИЗ» ШОЙИ МАТОЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Матоларнинг гули ранг-баранг бўлиб, улар буюмлар ва ўсимликлар шаклини акс эттиради.

Баҳоси — 1 метри: крепшифон 9 сўм 50 тийин, крепжоржет — 12 сўм, крепдешин — 9 сўм; аралаш толали шойилар — 5 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БҮРОСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТИЛИГИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

«Ташкентская правда»


ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, ТОШКЕНТ

ЛЕНИНГРАД

КҮЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БУЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ ҳўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

